

# АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИДА ҲАРАКАТ ХАВҒСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Алишер Юсупов

Тошкент давлат транспорт университети, техника фанлари номзоди, доцент.

Хамракулов Расулжон Мадрахимович

Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси

ORCID: 0000-0002-6775-0784

**Аннотация.** Ушбу мақола Автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳақида бўлиб мавзу юзасидан тадқиқотчи олимларнинг фикр ва мулоҳазалари чуқур ўрганиб чиқилди. Йирик шаҳарларда транспортни ривожлантириш стратегияси жамоат автомобил транспортининг шахсий автомобил транспортига нисбатан имтиёзини таъминлашга ва шаҳарда автомобил транспортдан фойдаланишни камайтиришга қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу мақолада йирик шаҳарларда, жумладан, Андижон шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этишдаги муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** йўл ҳаракат; транспорт оқими; хавфсиз ҳаракат, жамоат транспорти.

**Аннотация.** Эта статья посвящена обеспечению безопасности движения на дорогах, и были подробно изучены мнения и мнения ученых-исследователей по этому вопросу. Стратегия развития транспорта в крупных городах направлена на обеспечение предпочтения общественного автомобильного транспорта перед личным и сокращение использования автомобильного транспорта в городе. Исходя из этого, в данной статье рассматриваются проблемы организации дорожного движения в крупных городах, в том числе и в Андижане, и предложения по их решению.

**Ключевые слова:** дорога, движение; транспортный поток; безопасное передвижение, общественный транспорт.

**Abstract.** This article is about ensuring the safety of traffic on the roads, and the opinions and opinions of research scientists on the subject were studied in depth. The

strategy for the development of transport in large cities is aimed at ensuring the preference of public car transport over private car transport and reducing the use of car transport in the city. Based on this, this article examines the problems of traffic management in large cities, including Andijan, and suggestions for their solution.

**Key words:** road, movement; traffic flow; safe movement, public transport.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш - транспорт воситалари оқимини максимал даражада йўлнинг геометрик ўлчам имкониятларидан фойдаланиб, унинг ҳар хил бўлакларида хавфсиз ҳаракат тартибини ва юқори ўтказиш қобилиятини таъминлашга қаратилган тадбирлар тизимидан иборат. Йўл ҳаракатини ташкил этиш тамойиллари транспорт оқимини тўғри йўналтиришга, керак ҳолларда улами тезликлар бўйича гуруҳларга ажратишга, ҳар бир йўл бўлаги учун ратсионал тезликлами белгилашга, ҳайдовчиларга ўз вақтида ҳаракат маршрути ва йўл шароити тўғрисида ахборот беришга қаратилган. Йўл ҳаракатини ташкил этиш тамойиллари транспорт оқимини тўғри йўналтиришга, керак ҳолларда уларни тезликлар бўйича гуруҳларга ажратишга, ҳар бир йўл бўлаги учун ратсионал тезликларни белгилашга, ҳайдовчиларга ўз вақтида ҳаракат маршрути ва йўл шароити тўғрисида ахборот беришга қаратилган[1].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий ўзгаришлар ҳаётга изчил жорий этила бошланди. Чунончи, автомобил ишлаб чиқариш саноати йўлга қўйилди, йўл қурилиши соҳаси жадаллаштирилди, шунингдек, чет давлатлар билан савдо алоқалари юқори даражага кўтарилди. Бу эса, табиий равишда республика автомобил йўлларида ҳаракат миқдори йилдан-йилга ортишига олиб келди. Ҳозирги ва истиқболдаги асосий масалалардан бири - автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдан иборат бўлиб, унда йўл-транспорт ҳодисалари, уларда ҳалок бўлувчилар ва тан жароҳати олувчилар сонини, кўриладиган умумий ижтимоий-иқтисодий зарарларни камайтиришга қаратилиши зарур[2].

Наманган вилоят майдони бўйича Фарғона вилоятидан 1,5 марта Бухоро вилоятидан 9,4 марта, Навоий вилоятидан 25,8 марта кичик бўлиб, республика ҳудудида майдон жиҳатидан энг кичик вилоят ҳисобланади. Яна шуни айтиш

керакки, вилоят ҳудуди Фарғона водийсидан ўтган ва кесишган магистрал йўллар устида жойлашгандир. Вилоят ҳудудидан Қирғизистон ва бошқа томонларга борадиган йўллар ўтган. Наманган вилояти республика ҳудудида кичик майдонни эгаллашига қарамай, республиканинг 9% ортиқ аҳолиси яшайди. Яна шуни айтиш ўринлики, Андижон вилояти аҳолисининг зичлиги бўйича нафақат республикада, балки МДҲ бўйича энг зич вилоят бўлиб, 1 км.кв. га 1.01.2018 йилги маълумотга кўра 698 киши тўғри келади[3].

Кейинги йилларда шаҳарда олиб борилаётган йирик қурилишлар унинг транспорт ва инфраструктурасини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Шундай экан, янги кўринишдаги пойтахтимизнинг кўчаларидаги йўл ҳаракатини ташкил этишни кўрибчиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш-йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, ташкилий-техник тадбирлар ва автомобил йўлларида бошқариш бўйича тақсимловчи ҳаракатлар комплекцидир. Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўриниши автомобил транспорт воситаси ва пиёдаларнинг йўл ҳаракатини оптимал ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича лойиҳалаштиришга қаратилган[4, 57].

Йирик шаҳарларда транспортни ривожлантириш стратегияси жамоат автомобил транспортининг шахсий автомобил транспортига нисбатан имтиёзини таъминлашга ва шаҳарда автомобил транспортдан фойдаланишни камайтиришга қаратилган.

Наманган шаҳри кўчалари шаҳар архитектурасидан келиб чиқиб, асосан радиал кўринишда жойлашган. Бунги кунда шаҳар кўчаларида йўл ҳаракатини ташкил этиш илмий-тадқиқот натижалари асосида замонавий ташкилий-техник воситалар ёрдамида ташкил этилган. Андижон шаҳридаги ҳозирги транспорт ва инфратранспорт ўзгаришларини эътиборга олиб, йўл ҳаракатини ташкил этишдаги қуйидаги таклифлар тўғрисида айтиб ўтишимиз мумкин:

- шаҳар ҳудудини айрим ҳудудларга ажратиб чиқиш;
- аҳоли зич яшаш ҳудудлари (бу ҳудуд ичида автомобил ҳаракати учун маълум чекловларнинг ўрнатилиши лозим)га ажратиб чиқиш мумкин. Масалан,

Парижда “Автомобилсиз марказ” дастури жорий қилинган;

шахсий автомобилларда шаҳар марказига кириш учун тўлов тизимини жорий этиш. Кириш масофасининг шаҳар марказида туриш жой масофасига боғлиқ равишда шаҳарга кириш учун белгиланган миқдорда тўловларни амалга ошириш ёки автомобилларни тўхтаб туриш жойида қолдириш (парковка қилиш) каби тадбирлар хориж тажрибасида амалга оширилган. Лекин мазкур тадбирлар бир қанча муаммоларни ҳам юзага келтириб чиқаради. Масалан, шаҳарга кириш ҳудудларида кенг автомобил тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш, шаҳар жамоат транспортига ўтиб ўтириш учун маршрутларни қайта кўриб чиқиш, барчаси учун тўлов тизимини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.;

– шаҳар жамоат йўловчи транспортини ривожлантириш. Шаҳар жамоат йўловчи транспорти ҳаракатини хавфсиз ташкил этиш усулларини жорий этиш. Масалан, шаҳар жамоат йўловчи транспорти ҳаракати учун алоҳида ҳаракатланиш йўлакчасини ташкил этиш. Бундай тажрибани Лондон, Берлин, Лос-Анжелос, София ва Москва шаҳар кўчаларида амалга оширилганини айтиб ўтиш жоиз;

– шаҳар кўчаларини такомиллаштириш. Юқори транспорт зичлигига эга бўлган шаҳар кўчаларида тезлик юқори бўлган магистралларни ташкил этиш. Лекин бундай шаҳар кўчаларини ташкил қилиш жуда катта илмий-лойиҳавий ишларни амалга оширишни тақозо қилади;

– йўл-транспорт ҳаракати иштирокчиларини йўл-транспорт ҳолатлари тўғрисида ахборотлар билан таъминлаш. Бундай ахборот маълумотлари автомобил йўлининг ҳолати, ундаги транспорт воситаларининг зичлик ҳолати (тирбандлик), шаҳар жамоат транспорти маршрутлари тўғрисидаги маълумотлар ва ҳ.к.ларни ўз ичига олиши мумкин. Келтириб ўтилган ахборот маълумотларини узатиш ва ундан фойдаланиш бўйича қатор инновациялар ишлаб чиқилган ва жорий этилган[5, 33].

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш кенг қамровли тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этар экан, юқорида шаҳарларда йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича қайд этилган таклифлар Наманган шаҳридаги муаммоларнинг ечимига

ҳам ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://review.uz/oz/post/prezident-ishtirokida-yollarda-harakat-xavfsizligini-taminlashmasalasida-yigilish-otkazildi>.
2. <https://review.uz/oz/post/prezident-ishtirokida-yollarda-harakat-xavfsizligini-taminlashmasalasida-yigilish-otkazildi>.
3. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги "Узбекистон Республикаси йул хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида"ги қарори 377-сон <https://lex.uz/docs/3743453#3746442>
4. Лукьянов В.В. Безопасность дорожного движения. - М.. 1983. - С. 122.
5. Шахриманьян И.К. Указ. соч. - С. 236.